# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2011 йил 19 октябрь, № 202 (5369) Чоршанба


# ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИГА МОС

**Корхоналаримизда ишлаб чиқарилаётган сифатли ва бежирим маҳсулотларга ана шундай таъриф берилмоқда.**



***Президентимиз раҳнамолигида юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Биргина Наманган вилоятининг ўзида “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури доирасида жорий йил биринчи ярмида 1300 дан зиёд кичик корхона ташкил этилгани бунинг ёрқин далилидир.***

**Модернизация**

Давлатимиз раҳбари ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида ушбу вилоятда бўлганида, ана шундай субъектлардан бири — “Истиқлол” ишлаб чиқариш корхонасига ташриф буюрди.

— Президентимиз ишлаб чиқариш жараёнлари билан танишгани, жамоамиз ёшлари билан суҳбатлашиб, тайёр маҳсулотларимизни кўздан кечиргани, фаолиятимизга юксак баҳо бергани бошимизни кўкка етказди, — дейди корхона раҳбари, ёш, иқтидорли тадбиркор Бахтиёр Умаров. — Юртбошимизнинг йўл-йўриқлари, таклиф ва мулоҳазалари бизни янада изланишга, янгиликлар яратишга, бундан-да юқори чўққиларни эгаллашга ундамоқда.

(Давоми 2-бетда).

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштириш комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.***

## МУВОФИҚЛАШТИРИШ КОМИССИЯСИ ЙИҒИЛИШИ

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 20 декабрда қабул қилинган “Телерадиоэшиттириш соҳасида радиочастота спектридан самарали фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, радиочастоталарни танлов йўли билан тақсимлаш ва телерадиоэшиттириш соҳасида фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига якка тартибдаги лицензиялар бериш бўйича танлов ўтказилди.

Танловга Тошкент шаҳри ва Тошкент, Андижон, Бухоро, Жиззах, Самарқанд, Сурхондарё, Хоразм, Фарғона, Навоий вилоятларидан ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳридан жами 19 радиочастота бўйича тушган буюртманомалар кўриб чиқилди ва ғолиблар аниқланди.

Комиссия томонидан теледастурларни тарқатиш ва маълумотлар узатиш тармоқларида хизматлар кўрсатиш билан шуғулланадиган хўжалик юритувчи субъектларнинг лицензия олиш учун берган аризалари кўриб чиқилди.

Йиғилишда, шунингдек, Комиссия фаолиятига доир бир қатор бошқа масалалар ҳам кўрилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

**(ЎзА).**

## «САБО» – ХАЛҚАРО ТАНЛОВ ҒОЛИБИ

***Корея Республикасида “Чхонан жаҳон халқлари рақс фестивали — 2011” халқаро танлови бўлиб ўтди.***

**Эътироф**

Мамлакатимиз вакиллари муваффақиятли қатнашган мазкур танловда Болгария, Бразилия, Миср, Индонезия, Италия, Хитой, Косово, Малайзия, Мексика, Польша, Россия, Сингапур, Словакия, Таиланд, Филиппин, Япония ва бошқа мамлакатлардан келган рақс санъати усталари иштирок этдилар.

Ушбу халқаро тадбирни ўтказишдан кўзланган мақсад Жанубий Корея аҳолиси ва меҳмонларини дунёнинг турли халқлари маданияти, урф-одат ҳамда анъаналари билан яқиндан таништириш баробарида, маданий алоқаларни янада мустаҳкамлашга кўмаклашишдан иборатдир.

Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театри ҳузуридаги “Сабо” миллий рақс ансамбли мазкур тадбирда юртимиз санъатини намоён этди.

Фестивалда “Сабо” жамоаси аъзолари томонидан тақдим қилинган маданий дастурда Ўзбекистон турли минтақаларининг рақс анъаналари ўз ифодасини топган эди. Юртдошларимиз ижросидаги жозибали рақслар ҳеч кимни бефарқ қолдирмади — улар томошабинларнинг гулдурос олқишлари билан қаршиланди. Тадбир иштирокчиларининг эътироф этишича, ўзбек санъат усталари анжуманда Ўзбекистон нафасини, ўзига хос миллий маданиятни, ўзбекона руҳни муваффақиятли намойиш қилдилар.

Жаҳоннинг 21 мамлакати вакиллари ўртасида ўтказилган “Чхонан жаҳон халқлари рақс фестивали — 2011” танловида “Сабо” ансамбли биринчи ўринни эгаллаб, фестивалнинг “Энг гўзал рақс либоси” дипломига ҳам сазовор бўлди.

Қайд этиш жоизки, бу корейсликларнинг анъанавий ўзбек халқ маданияти билан илк танишуви эмас. Корея Республикасига Ўзбекистон санъат усталарининг ҳар йили ташриф буюриши, мамлакатнинг турли шаҳарларида миллий маданий дастурларини намойиш этиши анъана тусини олган.

Халқаро маданий анжуман доирасида Корея рақс жамияти ҳамда Кёнгидо провинциясидаги Гоян шаҳар мэрияси ҳамкорлигида ўзбек рақс гуруҳининг концерти ҳам бўлиб ўтди. Ушбу шаҳарда ҳам юртдошларимизнинг ҳар бир чиқиши кўп сонли санъат мухлислари томонидан муносиб кутиб олинди.

(Давоми 2-бетда).

## ИЗЧИЛ ИЗЛАНИШЛАР НАТИЖАСИ

***Пойтахтимизда неонатологиянинг долзарб масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.***

**Анжуман**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган ушбу тадбирда репродуктив саломатлик ва скрининг хизмати, шунингдек, педиатрия, неонатология, акушерлик ва гинекология йўналишларида фаолият кўрсатаётган малакали мутахассислар, республикамиз тиббий масканларидаги умумий амалиёт шифокорлари ҳамда хорижлик олимлар иштирок этдилар.

Тадбирда таъкидланганидек, юртимизда оналик ва болалик муҳофазаси йўлида амалга оширилаётган эзгу саъй-ҳаракатлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Кейинги йилларда “Соғлом она — соғлом бола” шиори остида олиб борилаётган бу каби кенг қамровли чора-тадбирлар бугунги кунда бутун жаҳон миқёсида ҳам юксак эътироф этилмоқда. Айниқса, мамлакатимизда неонатология соҳаси ривожи, яна ҳам аниқроғи, чақалоқларни қулай шарт-шароит билан таъминланган тиббий масканларда парваришлаш ҳамда уларнинг саломатлигини асраш борасида намунали ишлар амалга оширилаётганлигини алоҳида эътироф этиш жоиз.

— Ихтисослаштирилган илмий-амалий марказимизда янги туғилган чақалоқлар ва оналарга юксак сифатли тиббий хизмат кўрсатиш имкони мавжуд, — дейди Республика ихтисослаштирилган Педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази бўлим мудири Учқун Каримов. — Тиббиётимиз ривожига қаратилаётган юксак эътибор, қолаверса, мутахассисларнинг изчил изланишлари натижасида бугунги кунга келиб, муддатидан аввал туғилган болаларнинг ҳам соғлом бўлиб ўсиши таъминланмоқда. Ҳозирги кунда жуда кам вазнда туғилган чақалоқлар ҳам иссиқлик занжири ёрдамида, яъни худди она қорнидаги сингари муҳит ва шарт-шароитда парваришланмоқда.

Илмий-амалий анжуманда мутахассислар замонавий тиббиёт имкониятлари туфайли эришилаётган шу каби ютуқлар ҳақида тўхталиб, тўпланган тажрибалар хусусида ўзаро фикр алмашдилар. Бундан ташқари, тадбирда чақалоқлар юқумли хасталикларга чалинишининг олдини олиш, кичик ёшли болалардаги бош мия касалликларини ташхислаш ва даволаш, кам вазнли чақалоқлар реанимациясининг ўзига хос хусусиятларига доир илмий маърузалар тингланди.

**Муборак ОХУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили**

***Мамлакатимизда тадбиркорлик ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани туфайли мазкур соҳа иқтисодиётни юксалтиришда таянч кучлардан бирига айланиб бораётир. “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар самарасини, хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида республикамиз бўйича 524 та шундай субъект ташкил этилгани мисолида ҳам кўриш мумкин.***

## МАҚСАД — ИШБИЛАРМОНЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ

Бугунги тадбиркорларимиз жаҳон тажрибаларидан бохабар ҳолда, замонга мос ҳаракат қилишаётгани, маҳсулотларини халқаро стандартлар талаблари асосида ишлаб чиқаришаётгани боис шу муддат ичида улар томонидан 954,3 миллион АҚШ долларилик маҳсулот четга сотилгани, айниқса, диққатга сазовор. Бу уларнинг дунё билан бўйлашаётгани, “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” савдо белгиси остида тайёрланаётган сифатли маҳсулотларга талаб-эҳтиёж жаҳон миқёсида ортиб бораётганидан далолат беради.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришга устувор вазифа сифатида эътибор қаратилиб, бу борада ҳуқуқий асослар яратилди. Улар ижроси изчил таъминланаётгани соҳадаги ижобий ўзгаришларда муҳим омил бўлаяпти.

Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 28 апрелдаги “Сертификатлаштириш тартиботларини ва сифат менежменти тизимларини жорий этишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига кўра, масалан, “Ўзстандарт” агентлиги қошида Маҳсулотларни экспорт қилишга кўмаклашиш бюроси ташкил этилган эди. Мазкур бюро директори Нурулло Ўрозқуловнинг айтишича, янги ташкилотнинг асосий вазифаси экспортга мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарга стандартлаш, сертификатлаш, ёрлиқлаш, ўраш ва бошқа йўналишлар юзасидан халқаро ва мамлакатлараро талаблар бўйича бепул маслаҳат хизматлари кўрсатиш, уларда бу борадаги талабларни жорий этиш, шунингдек, маҳсулотларни хорижий бозорларга киритиш бўйича ахборот кўмаги кўрсатишдан иборат бўлиб, ҳозирги кунда маслаҳатчи ва вакиллар айни шу ишлар билан машғулдирлар.

(Давоми 2-бетда).

## ФАРЗАНДЛАР САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

***Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида “Саломатлигинг — тоза қўлларингда” номли тадбир ўтказилди.***

**Тадбир**

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, республика Хотин-қизлар қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Германиянинг халқаро ҳамкорлик жамияти томонидан ташкил этилган ушбу тадбирга мактабгача ёшдаги болалар ва уларнинг ота-оналари, педагоглар, шифокорлар, маҳаллалар фаоллари таклиф этилди.

(Давоми 2-бетда).

# МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

**Воқеалар, янгиликлар, хабарлар**



***НАВОИЙ шаҳридаги “Қизилқум саховати” масъулияти чекланган жамияти Москвада ўзининг “Савдо уйи” фаолиятини йўлга қўйди.***

### «Савдо уйи» очилди

Эндиликда корхонада қайта ишланаётган мева-сабзавот маҳсулотлари ушбу савдо маркази орқали улгуржи равишда мижозларга етказиб берилмоқда.

Таъкидлаш керакки, Италиядан 1 миллион 370 минг АҚШ долларилик маблағ эвазига келтирилган замонавий технологиялар ёрдамида шу йилнинг ўтган даврида 686 тонна мева-сабзавот қайта ишланди. Маҳсулотнинг ҳаммаси экспортга тайёрлаб қўйилди.

**Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Маҳсулот ҳажми ошмоқда

***СИРДАРЁ. Хорижлик сармоядорлар ҳамда тадбиркорлар учун солиқ ва бошқа тўловлар борасида яратилаётган имтиёзлар туфайли вилоятда қўшма корхоналар сони йил сайин кўпайиб бормоқда.***

Яқинда Гулистон шаҳрида иш бошлаган “Code Farm” Ўзбекистон — Польша қўшма корхонаси ҳам ана шу имкониятлар мевасидир. Ушбу корхонани бунёд этиш учун бир миллион АҚШ долларилик инвестиция йўналтирилди. Ҳозир 30 киши меҳнат қилаётган жамоада импорт ўрнини босувчи 80 турдаги дори-дармон воситалари ишлаб чиқарилмоқда.

Вилоятда шу йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида биргина қўшма корхоналар томонидан 17 миллион 156 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилинди.

**Ш. ХОЛМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Янги корхона иш бошлади

***САМАРҚАНД. Жомбой туманида “Artek-International” Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонаси иш бошлади.***

Лойиҳа қиймати 4,1 миллион АҚШ долларилик мазкур корхонада йилига 1800 тонна калава ип ишлаб чиқариш имконияти мавжуд. Дунё стандартларига тўлиқ жавоб берадиган “Artek-International” маҳсулотларини, асосан, экспорт қилиш режалаштирилмоқда.

Корхона тўлиқ қувват билан ишлай бошлагач, бу ерда меҳнат қилаётганлар сони 100 нафарга етади.

**М. ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Етмиш хилдан ортиқ ширинликлар

***ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ. Бўстонлиқ туманидаги “Sarskaya sladost” масъулияти чекланган жамиятида кенг кўламли модернизациялаш ишлари амалга оширилди.***

Хусусан, корхонага Италия ва Германиядан энг илғор технологиялар келтириб ўрнатилгач, бу ерда тайёрланаётган маҳсулот сифати янада яхшиланди ва ишлаб чиқариш ҳажми кўпайиб, ишчилар сони 80 нафарга етди. Шунингдек, ширинликлар тури ҳам етмиш хилдан ортди.

Жорий йил туманда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник жиҳатдан янгилаш бўйича 3 та лойиҳа амалга оширилди.

**Ғ. ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***ФАРҒОНА. Тошлоқ туманида иш бошлаган “Элемент кристалл” масъулияти чекланган жамиятида тайёрланаётган 50 хилдан зиёд турли ҳажмдаги пластмасса маҳсулотлари нафақат ички бозорда, балки хорижда ҳам харидоргир.***

### Имтиёзли кредит — тадбиркорга мадад

Корхона фаолиятини йўлга қўйишда банкнинг 900 миллион сўмлик кредити қўл келди. Дастлаб 15 кишилик жамоа билан иш бошлаган жамиятда ҳозир ишчилар сони 60 нафарга етди.

“Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури доирасида корхона фаолиятини кенгайтириш мақсадида банк томонидан 2 миллиард 600 миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратилди. Бу эса маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳамда 100 та иш ўрни яратиш имконини берди.

**Н. СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ТАБИАТ МУҲОФАЗАСИ — ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

***Урганч шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасининг сайёр йиғилиши бўлиб ўтди.***

**Парламент назорати**

"Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги ижросига бағишланган мазкур йиғилишда қуйи палата депутатлари, тегишли вазирлик, идора, қўмита, ҳокимлик, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Унда мамлакатимизда атроф-муҳитни асраб-авайлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни келажак авлодга бекаму кўст етказиш йўлида кенг кўламли чора-тадбирлар бажарилаётгани таъкидлаб ўтилди. Соҳанинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси республикамиздаги экологик барқарорликни таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

— Ўрганилган ҳудудларда "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижросини таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда, — деди қўмита аъзоси И. Азизов. — Хусусан, Хоразм вилоятида мавжуд ўта муҳим ва тоифаланган корхоналарда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда бартараф этиш юзасидан аниқ режалар ишлаб чиқилгани, фуқаро муҳофазаси тадбирлари, махсус тактик ўқув машқлари мунтазам ўтказиб келинаётганини алоҳида қайд этиш лозим.

— Қорақалпоғистон Республикасида ҳам бу борада муайян ишлар амалга оширилаяпти, — деди қўмита аъзоси С. Раҳматов. — Ҳудуддаги кучли таъсир этувчи заҳарли моддалардан фойдаланиладиган ва кимёвий хавфли ҳисобланадиган корхоналарда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда бартараф этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар йўлга қўйилган. Ўтган давр давомида кучли таъсир этувчи заҳарли моддалар билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар рўй бермагани кўрилган саъй-ҳаракатлар самарасидир.

Йиғилишда мазкур ҳуқуқий ҳужжат ижросини таъминлаш борасида жойларда айрим камчиликларга йўл қўйилаётганлигига ҳам тўхталиб ўтилди. Чунончи, қўмита аъзоси Ж. Атоджоновнинг айтишича, айрим корхона, муассаса ва ташкилотларда фуқаро муҳофазаси тузилмалари етарлича шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланмаганлиги, уларнинг яроқлилик муддати ўтаб бўлганлиги аниқланган.

Тадбирда бу борадаги ишларни янада самарали ташкил этиш, соҳага оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Йиғилишда қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ҚУЛАЙ ИНВЕСТИЦИЯВИЙ МУҲИТ ШАРОФАТИ

***Мамлакатимизда сўнгги йилларда маҳаллий хом ашё асосида ишловчи, импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар тайёрлашга қодир саноат корхоналари барпо этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда дунёнинг йирик компаниялари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилаяпти. Хорижий инвестициялар, замонавий технологияларни жалб этган ҳолда экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш қамрови тобора кенгаймоқда.***
***Бу борада, айниқса, дунёга машҳур "КНАУФ" (Германия) компанияси билан ўрнатилган ҳамкорлик самарали бўлаяпти.***

**Бунёдкорлик**

— 2005 йилда компаниямиз "Бухорогипс" акцияларини сотиб олиб, корхонани қайта тиклаш ва модернизация қилиш инвестицион дастурини ишлаб чиққан эди, — дейди "КНАУФ"нинг МДҲдаги гуруҳи бош бошқарувчиси, доктор Герд Ленга. — 2009 йилнинг октябридан бу ерда тўрт турдаги қуруқ қурилиш аралашмасини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ўзбекистонда хорижий сармоядорлар учун яратилган қулай инвестициявий муҳит яна бир янги лойиҳани амалга оширишга ундади. Шу тариқа Бухорода юқори сифатли гипсокартон қопламалари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхонани барпо этдик.

"КНАУФ ГИПС Бухара" корхонаси қурилишига 2009 йилнинг ноябрида киришилган эди. Янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун юртимиздан ташқари, Германия, Россия каби мамлакатлардан юқори малакали мутахассислар жалб этилди. Корхонани барпо этиш учун 51 500 000 АҚШ долларилик сармоя киритилди. Натижада йилига 20 миллион квадрат метр юқори сифатли гипсокартон қопламалари ишлаб чиқариш қувватига эга замонавий технологик линия ишга туширилди. Эътиборлиси, янги корхона шарофати билан салкам юз киши ишли бўлди. Когон шаҳрида яшовчи Баҳром Шамсиев ана шулардан бири.

— Когон саноат ва транспорт касб-ҳунар коллежини тугатганман, — дейди у. — "КНАУФ ГИПС Бухара" корхонасининг ишга тушиши биз, ёшлар учун айни муддао бўлди. Шундай замонавий корхонада меҳнат қилаётганимиздан мамнунмиз. Бу ерда унумли ишлашимиз учун барча қулайликлар яратилган.

Айтиш жоизки, гипсокартон қопламалари яқин-яқингача мамлакатимизга хориждан келтирилар эди. Эндиликда эса ички бозор эҳтиёжи қопланибгина қолмай, маҳсулотни қўшни давлатларга сотиш имконияти ҳам юзага келди. Маҳаллий хом ашё — гипс тоши карьерининг корхонадан атиги беш километр узоқда жойлашгани эса маҳсулот таннархининг арзонлигини таъминламоқда.

Бухорода мазкур корхонанинг очилишига бағишланган тантанали маросимда сўз олганлар, жаҳонга машҳур "КНАУФ" компанияси билан ҳамкорлик импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан жуда катта аҳамиятга эга эканлигини, у минтақа иқтисодиёти ривожида салмоқли ўрин тутишини таъкидладилар.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**




# ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИГА МОС

**Корхоналаримизда ишлаб чиқарилаётган сифатли ва бежирим маҳсулотларга ана шундай таъриф берилмоқда.**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мазкур корхонанинг "Истиқлол" деб номланиши ҳам тасодифий эмас. Бахтиёр Умаров — айнан Истиқлол кашф этган юзлаб, минглаб фидойи замондошларимизнинг бири. Бундан ўн йилча аввал моҳир тикувчилардан бирига шогирд тушган йигитча чок тикишнинг сир-асрорларини қунт билан ўрганди. Кўп ўтмай эса, ўзи мустақил равишда иш бошлади. У тиккан костюм-шимлар харидорларга манзур бўлди. Ёш устага шим, костюм буюртма бергани шаҳарнинг чекка-чекка маҳаллаларидан, ҳатто шаҳарга туташ Уйчи, Наманган туманларидан ҳам мижозлар кела бошлади.

Мамлакатимизда тадбиркорларга, тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очилганидан руҳланган Бахтиёр бундан беш йил муқаддам уч-тўртта тикув машинаси олиб, ўз корхонасини ташкил этди. Бироқ... Тез орада илғадики, бу эски, алмисоқдан қолган машиналар билан кўзланган натижага эришиб бўлмайди. Шундан кейин у бизнес лойиҳа тузиб, "Алоқабанк"дан 330 миллион сўм кредит олди. Цехларни кенгайтириб, реконструкция қилиш баробарида, Германия, Япония каби давлатлардан сўнгги русумдаги тикувчилик, пардозлаш ускуналарини олиб келиб ўрнатди. Корхонага тажрибали мутахассисларни, касб-ҳунар коллежларини тамомлаган, ҳаётини шу соҳага бағишлашга тайёр ақл-идрокли ёшларни таклиф қилди. "Устоз — шогирд" мактабини йўлга қўйиб, ишчиларнинг малака ва маҳоратларини оширишга эътибор қаратди.

Натижами?

Эндиликда Наманган туманининг Қумқўрғон қишлоғида жойлашган мазкур корхона маҳсулотларини нафақат мамлакатимизда, балки бир қатор хорижий юртларда ҳам яхши билишади. Қишлоқ ёшлари қўлидан чиқаётган ўнлаб турдаги костюмлар, куртка ва пальтолар бежирим кўриниши, сифати, харидоргирлиги билан алоҳида ажралиб туради. Муҳими, корхонанинг йиллик қуввати 85 минг дона тикувчилик маҳсулотларини ташкил этиб, 2010 йилда бу ерда бир миллиард 235 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ҳамда унинг салмоқли қисми экспорт қилинди.

Инсон меҳнати ҳеч қачон ерда қолмайдиган, ҳар ким ҳаракатига, иқтидорига яраша эъзоз топадиган юртда яшаяпмиз. Табиийки, Бахтиёр бошлиқ жамоанинг изланишлари ҳам муносиб баҳоланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилган "Ташаббус — 2011" кўрик-танловининг мамлакат босқичида "Истиқлол" ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Бахтиёр Умаров "Энг яхши тадбиркор" номинацияси бўйича биринчи ўринга лойиқ топилиб, давлатимиз раҳбарининг совғаси — "Спарк" автомобили билан тақдирланди.

— Биз бу муваффақиятга Юртбошимизнинг тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жорий этишга қаратаётган катта эътибори туфайли эришдик, — дейди Бахтиёр.

Корхонанинг кўргазмалар залига қўйилган турли бичим, турли кўринишдаги, бири-биридан бежирим, замонавий кийим-кечакларни кўздан кечирарканмиз, бу маҳсулотлар жаҳондаги довруқли хориж фирмалари маҳсулотларидан қолишмаслигига ишонч ҳосил қиламиз. Корхонада тикилаётган костюм-шимлар ўз бозорларимиздан ташқари Россия, Қозоғистон каби бир қатор давлатлар бозорларини ҳам забт этгани сирини англаб етгандек бўламиз.

Кенг ва ёруғ цехларда ҳаёт қайнайди. Янги мода ҳамда дизайнерлик бўлимидаги компьютерлар интернетга уланган бўлиб, дунёнинг исталган давлатидаги турдош корхоналар билан мулоқотга киришиш мумкин. Бу ерда замон талабига, буюртмачиларнинг таклифига, ёшлар диди ва дунёқарашига мос модалар устида тинимсиз изланишлар олиб борилади. Энг яхши, сараланган "чизма"лар шу ердан бичиш цехига узатилади. Ана ундан кейин навбат тикувчиларга келади. Тикувчилик цехида эса ўз касбининг усталари меҳнат қиладилар. Қувонарлиси, улар — шу атрофдаги касб-ҳунар коллежларининг кечаги битирувчилари. Кўзларидан ўт чақнаган оловқалб ёшлар. "Ақл ёшда эмас, бошда" деганларидек, моҳир усталардан қолишмайдиган, "Устоз — шогирд" мактабини ўтаган умидли, талантли йигит-қизлар. Улар қўлидан чиққан чокнинг текислиги, бежиримлигини кўриб, беихтиёр қойил қоласан, киши.

— Президентимизнинг тикувчилик ва кийим тикишга доир фикр-мулоҳазаларини тинглаб, бу касб кишиларига бўлган меҳру ихлосларини кўриб, шу касбнинг этагидан тутганимдан жуда-жуда фахрланиб кетдим, кўксим ғурурга тўлди, — дейди ёш технолог Улуғбек Умаров. — "Кийим тикиш, бу — санъат, бутун бошлиқ индустрия, — дея алоҳида таъкидлади Юртбошимиз. — Либос — инсон зийнати. Чиройли кийинган кишининг кайфияти ҳам шунга яраша бўлади, албатта. Бугун халқимизнинг, ёшларимизнинг кийинишга, кийим танлашга, модага бўлган эътибори, эҳтиёжи ва талаби тамомила ўзгарган. Бугунги ёшларимиз гўзалликда, дид билан кийинишда дунёнинг манаман деган мамлакатлари ёшларидан ҳеч ҳам кам эмас. Шу маънода, халқимизнинг, фарзандларимизнинг ўсиб бораётган талабини ўзимизда ишлаб чиқарилган замонавий ва сифатли маҳсулотлар ҳисобидан қондириш муҳим вазифа". Давлатимиз раҳбари шундай дея бизнинг корхонамизга ўхшаган корхоналарни янада кўпайтириш, истеъдодли, замон талабларию бозор эҳтиёжини чуқур биладиган, яратувчилик қобилиятига эга ёш тадбиркорларни ҳар жиҳатдан рағбатлантириш, уларнинг йўлини янада кенгроқ очиш, қўллаб-қувватлаш лозимлигини уқтирдилар. Энди айтинг, бундан ғурурланмай бўладими?!

— Президентимиз корхонамизда бўлганларида биз, ишчиларнинг ҳаётимиз, орзу-истакларимиз, корхонада яратилган шароитлар билан қизиқдилар, — дейди тикувчи йигитлардан бири Жобир Бузруков. — Мен билан суҳбатлашиб, яқин орада ўз бизнесимни йўлга қўймоқчи эканимни билгач, ўзларининг қимматли маслаҳатлари, йўл-йўриқларини бердилар. Биласизми, Юртбошимиз келиб-кетганларига неча кун бўлган бўлса, шундан бери осмонда учиб юргандекман. Шундай доно, элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган, Ўзбекистондаги барча ёшларни ўз фарзандларидек кўрадиган, суйиб-ардоқлайдиган, доимо уларнинг бахту камолини кўзлайдиган меҳридарё Президентимиз борлигидан фахрланаман!




Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Наманган азалдан ўзининг қўли гул ҳунармандлари, моҳир тикувчилари, тикувчилик маҳсулотлари билан танилган. Айниқса, Истиқлол уларнинг қадимий ҳунари, санъати тараққий этишига, гуллаб-яшнашига кенг йўл очди. Бахтиёр Умаровга ўхшаган тадбиркорларни юзага чиқариб, қулочини кенг ёзиб ишлашига, ўз меҳнатидан ўзи ҳам, эл-юрт ҳам баҳраманд бўлишига имкон яратди. Айни пайтда Наманганда "Истиқлол" каби тикувчиликка ихтисослаштирилган "Ифтихор кийим саноат", "Замин люкс текстиль", "Текстиль либос", "Люкс плюс сервис" сингари ўттиздан зиёд корхоналарда ишлаб чиқарилаётган костюм, пальто, аёллар ва болалар кийимлари каби маҳсулотларга ташқи бозорда ҳам талаб юқорилиги бунинг яққол тасдиғидир.

Наманганда ишлаб чиқарилган жаҳон андозаларига мос ва махсус савдо белгиларига эга костюмлар хориж бозорларида турдош маҳсулотлар билан дадил рақобатга киришаётгани барчамизга фахр-ифтихор бахш этади, албатта.

**Али ЗИЁДОВ,**
**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

**21 октябрь — «Давлат тили ҳақида»ги қонун қабул қилинган кун**

# МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТ ВА ТАРАҚҚИЁТ

***Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида "Тил, тараққиёт, маънавият" мавзуида тадбир бўлиб ўтди.***

Анжуман Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси марказий кенгаши, мазкур партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирда сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари У. Муҳаммадиев, Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари Ғ. Мирзаев, Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон халқ шоири С. Саййид ва бошқалар мамлакатимизда халқимиз маънавиятини юксалтириш, ёшларни ватанга муҳаббат, юртга садоқат руҳида тарбиялашда она тилимизни янада равнақ топтириш масаласи муҳим ўрин тутишини алоҳида таъкидладилар.

Ўзбек тилининг ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини кучайтириш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Натижада она тилимиз бебаҳо маънавий-маданий мерос, умуммиллий бойлик сифатида қадр ва эъзоз топди. Унинг софлигини сақлаш, бой имкониятлари, жозибаси ва бетакрор гўзаллигини тадқиқ этишга доир кенг кўламли илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Тадбирда жойлар, муассасалар ва транспорт воситаларидаги ёзувлар, лавҳалар, реклама маҳсулотлари, барча турдаги ахборот ва тарғибот материалларининг миллий қонунчилик ҳужжатларига мос бўлишини таъминлаш масаласи долзарб аҳамият касб этаётгани таъкидланди.

**Э. МАДАТОВ.**

# МАҚСАД — ИШБИЛАРМОНЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Маълумки, Бутунжаҳон савдо ташкилоти (БСТ)нинг "Савдодаги техник тўсиқлар тўғрисида"ги келишувига мувофиқ, унга аъзо давлатларда Ахборот сўров нуқтаси яратилган, — дейди суҳбатдошимиз. — У стандартларга, мувофиқликни баҳолаш тартиботларига тааллуқли барча масалалар бўйича жавоб беради. Бюромиз тегишли давлатларнинг Ахборот сўров нуқталари борасида тўлиқ маълумотлар базасига эга бўлиб, у орқали корхоналарга керакли маълумотларни етказиш мумкин.

Шунингдек, "Ўзстандарт" агентлигининг 24 та мамлакат билан халқаро ва мамлакатлараро ҳамкорлик тўғрисида тузган битимига биноан, ушбу мамлакатларга экспорт қилинадиган маҳсулотлар талаблари бўйича маълумотларни олиб, ўз фаолиятимизда қўллаяпмиз.

*— Ташкилотингиз хизматларидан фойдаланмоқчи бўлган тадбиркор қаерга мурожаат қилиши керак?*

— Биз "Ўзстандарт" агентлиги биносида фаолият юритаяпмиз. Хизматларимиздан фойдаланмоқчи бўлган барча тадбиркор ва ишлаб чиқарувчилар бевосита марказий аппаратга ёки вилоятлардаги ҳудудий стандартлаштириш ва метрология бошқармаларига мурожаат этишлари мумкин.

*— Бугунги кунгача амалга оширилган ишлар хусусида ҳам маълумот берсангиз?*

— Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, маҳсулотлар сифатига тааллуқли талабларни доимий равишда янгилаб борувчи маълумотномани ишлаб чиқиш ва уни жорий этиш, ахборот алмашиш, корхоналар бўйича маълумотлар олиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорлик ўрнатилган бўлиб, шу асосда жойларда кўплаб учрашув ва семинарлар ўтказилди. Бундай тарғибот-ташвиқот ишларини мунтазам олиб бораяпмиз. Айни чоғда бюромиз экспортчи корхона ва ташкилотларнинг ишлаб чиқаришда халқаро сифат тизимларини, жумладан, "ISO" стандартларини жорий этишига алоҳида эътибор қаратмоқда. Зеро, бу экспортнинг энг қулай йўлларидан биридир.

Ҳозирда республикамиз корхоналари томонидан дунёнинг 82 мамлакатига 1803 турдаги маҳсулот экспортга чиқарилмоқда. Ўтган давр мобайнида маслаҳатчи ва вакилларимиз томонидан 323 та корхонага ушбу йўналишларда консультатив хизматлар билан кўмаклашилди. Мисол учун, пойтахтимиздаги "Файз Барака" масъулияти чекланган жамияти, "Тошкент Мануфактура" хусусий корхонаси, масъулияти чекланган жамият шаклидаги "Мар Гра", "Асклепий Свифт" қўшма корхоналари, Самарқанд вилоятидаги "ХТ С. Рўзимуродов", Наманган вилоятидаги "ХТ Б. Тоҳиров", "Дегрес Текс" масъулияти чекланган жамиятлари шулар жумласидандир. Улар чарм-атторлик, тиббиёт, тўқимачилик саноати маҳсулотлари ва бошқа кўплаб турдаги товарларни Россия, Греция, Ҳиндистон сингари давлатларга экспорт қилишлари учун қулай имкониятлар яратилди.

Буларнинг бари мамлакатимизда фаолият юритаётган тадбиркорларнинг азми қатъий, шижоати баланд эканлигига ёрқин далил эмасми? Қўлга киритилаётган ютуқ ва муваффақиятларда, уларнинг хорижий бозорларга дадил кириб боришларида кўрсатилаётган ғамхўрлик ва яратилган шарт-шароитларнинг аҳамияти беқиёс бўлаётир, десак, асло янглишмаймиз.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ**
**суҳбатлашди.**

# «САБО» — ХАЛҚАРО ТАНЛОВ ҒОЛИБИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Гоян шаҳар мэри Чой Сон "Сабо" жамоасини қутлар экан, ўзбекистонлик рақс санъати усталари Корея Республикаси томошабинларида унутилмас таассуротлар қолдирганини алоҳида таъкидлади. У, шунингдек, икки мамлакат халқлари ўртасидаги ўзаро маданий алоқаларнинг тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалишини қайд этиб, "Сабо"нинг Жанубий Корея заминидаги чиқишлари ҳам икки томонлама маданий алоқалар тарихида яна бир ёрқин саҳифа бўлиб қолажагига ишонч билдирди.

Таъкидлаш керакки, "Сабо" ансамбли Осиё ва Европанинг кўплаб мамлакатлари бўйлаб уюштирилаётган ана шундай ижодий сафарларда ўзбек халқининг бой, ўзига хос ва бетакрор санъатини кенг намоён этишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

**«Жаҳон» АА.**
Сеул

# ФАРЗАНДЛАР САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда инсон саломатлиги, ёш авлод камолоти йўлида изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар юксак самаралар бераётганини алоҳида қайд этдилар. Айниқса, болалар ўртасида соғлом турмуш тарзи ғояларини тарғиб этиш, уларда ўз саломатликларига бўлган масъулиятни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. "Саломатлигинг — тоза қўлларингда" лойиҳасидан кўзланган асосий мақсад ҳам болаларни турли мавсумий юқумли касалликлардан озодалик ва шахсий гигиена талабларига риоя этиш ёрдамида ҳимояланишга ўргатишдан иборатдир.

Болалик ва саломатлик байрами тарзида ўтказилган мазкур ижтимоий акцияда мавзуга оид қизиқарли викториналар, расмлар кўргазмаси, кўрик-танловлар ва болаларга мўлжалланган китоблар тақдимоти ҳам бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова иштирок этди.

**Б. ШАЙВАЛИЕВ.**

| ЎзРТХБ котировкалари сўм/кг | | | | |
|---|---|---|---|---|
| УН олий нав 850,5 ▲ +11,7 | УН биринчи нав 638,8 ▲ +7,7 | УН иккинчи нав 583,4 ▼ -0,2 | ПАХТА ЁҒИ 1932,4 ▲ +18,4 | СУЛЬФАТ АММОНИЙ 213,1 ▼ - 0,3 |

● Реклама ва эълонлар ●

## Алоқа хизмати:

# ЗАМОНАВИЙ, ТЕЗКОР, КЎЛАМЛИ

***Бугун ҳаётимизни алоқа хизматисиз тасаввур қилиш қийин. Айниқса, мобиль алоқанинг ривожланиши соҳада кенг рақобат муҳитининг вужудга келишига сабаб бўлди. Натижада тармоқ фаолиятини яхшилаш, хизмат кўламини янада кенгайтириш имконияти туғилмоқда.***

***«Ўзбектелеком» АК Тошкент шаҳар телефон тармоғи филиали жамоаси ана шу талаблардан келиб чиқиб, соҳага янги технологияларни татбиқ этиш, замонавий хизмат турларини янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан, тармоқ қошида «Call-Centre» чақирув хизматининг ташкил этилиши, ADSL портлари, FTTB технологияларининг ишга туширилиши туфайли филиал ISO 9001: 2008 халқаро стандарти сертификатига эга бўлди.***

— Айни пайтда тармоғимизда 90 та электрон автомат телефон станцияси ва кўчма концентраторлар мижозларга намунали хизмат кўрсатмоқда, — дейди Тошкент шаҳар телефон тармоғи филиали директори Абдурашид Абдумўминов. — Мавжуд АТСларнинг умумий қуввати 658,3 мингта рақамдан иборат. Ҳозирги кунда 26 хил қўшимча хизмат турлари мавжуд бўлиб, абонентлар улардан фойдаланиб келишмоқда. Шунингдек, янги FTTB технологияси бўйича 124 та объектга оптик бокслар ўрнатилди. 511 объектга 152,8 км. оптик толали алоқа кабели ётқизилди. ADSL портларининг умумий сони 21940 тани ташкил этиб, маълумот узатиш тармоғи ва интернетдан фойдаланаётганлар сони 10726 тага етди.

Президентимизнинг 2009 йил 20 январдаги «Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида тармоқда маълумот-ахборот хизмати қамрови кенгайтирилмоқда. Жумладан, мижозлар учун биргина «Call-Centre» хизмат турининг жорий этилиши натижасида «МТС», «Перфектум-мобайл», «Бустон» ва «Юнител» каби қўшма корхоналар билан шартномалар тузилиб, уларнинг мижозларига ҳам хизмат кўрсатиш имконияти яратилди. Ўтган вақт мобайнида «Call-Centre» чақирув хизмати маркази томонидан қарийб 422 миллион 399 минг нафар абонентга маълумот тақдим этилган. Ўз навбатида, телефон боғламаси абонентларига қарздорлик тўғрисида хабар бериш ҳам йўлга қўйилди.



Албатта, Тошкент шаҳар телефон тармоғи филиали жамоаси бу ютуқлар билан чекланиб қолгани йўқ. Келгусида мижозларга янада замонавий хизмат турларини тақдим этиш ва уларнинг кўламини кенгайтириш йўлида астойдил ҳаракат қилинмоқда.

Қайд этиш зарурки, бугунги кунда ҳар қандай ташкилотнинг эртанги фаолияти ва келажагини малакали кадрларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Буни яхши ҳис этган жамоа мазкур масалага алоҳида эътибор қаратмоқда. Айни чоғда бу ерда 2965 та ходим фаолият кўрсатаётган бўлса, шулардан 19 нафар раҳбар ходим, 230 нафар мутахассис, 17 нафар ишчи ходим фуқаролар муҳофазаси институти ўқув марказида, 30 нафар мутахассис Жанубий Кореянинг Сеул экспертлар ўқув курсида, битта ходим Москвадаги «Инверсон технtoложис» ўқув курсида, 4 нафар мутахассис Санкт-Петербургдаги «Прогресс» маълумот марказида малакасини ошириб қайтди. Бошқа мутахассис-ходимлар ҳам қатор ўқув курсларида ўз билимларини мустаҳкамлаб боришмоқда.

— Бундан ташқари, ходимларимиз сафини доимий тарзда малакали ёш кадрлар билан тўлдириб бориш мақсадида Тошкент ахборот технологиялари университети ва Тошкент Алоқа ҳамда Ахборот технологияси коллежлари билан ҳамкорлик шартномаси имзоланган бўлиб, унга кўра, бўлажак мутахассислар ўз амалиётларини филиалларимизда ўтаб келишмоқда, — дея фикрини давом эттиради филиал директори. — Шунингдек, «Устоз-шогирд» ўқув семинарлари ҳам яхши йўлга қўйилган. Жорий йилда ушбу ўқув юртларининг 394 нафар битирувчиси ўз касблари бўйича иш билан таъминланди. 35 нафари эса филиалимизга ишга олинди.

Тошкент шаҳар телефон тармоғи филиали жамоаси ўз мижозларига янги хизмат кўламларини тақдим этиш мақсадида «Ягона ойна» маркази фаолиятини йўлга қўйди. Мазкур марказнинг аҳамиятли томони шундаки, у «Ўзбектелеком» АК томонидан кўрсатиладиган барча хизматлар мажмуасини бир жойга жамлаб, битта оператор орқали хизмат кўрсатади. «Ягона ойна» маркази интернет, мобиль ва стационар алоқа хизматларини ўз ичига қамраб олган. Келгусида унга IP — телефония, IPTV, IP — карточкалар савдоси хизматлари қўшилиши кўзда тутилмоқда. Яқин йиллар ичида эса бундай марказлар сони 50 тага етказилиши режалаштирилган.

Яъни шу йўл билан «Ўзбектелеком» АК мижозлари бир жойнинг ўзида қайд этилган мутлақ телефон алоқасидан тортиб, интернет хизматлари, CDMA — 450 стандартидаги стационар ва мобиль алоқага оид барча хизматлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлишади. Айни пайтда бундай марказлар Нукус, Олмалиқ, Жиззах, Тошкент шаҳарларида ва Самарқанд вилоятининг Иштихон туманида фаолият кўрсата бошлади.

Бу эса республикамизнинг энг чекка ҳудудлари аҳолисига ҳам замонавий алоқа хизматидан баҳраманд бўлиш имкониятини беради.

**Усмон УСМОНОВ тайёрлади.**

# БЕБАҲО МЕРОС ТАРАННУМИ

***Миллий санъатимиз ривожи йўлидаги эзгу саъй-ҳаракатлар туфайли бугунги кунда юртимиздаги истеъдод ва иқтидор эгалари, бадиий жамоалар халқаро фестиваль ҳамда танловларда муваффақиятли иштирок этмоқда. Бебаҳо мусиқий меросимиз намуналари жаҳоннинг энг муҳташам саҳналарида янграб, хорижлик санъат ихлосмандлари эътирофига сазовор бўлаётир.***

**Санъат**

**М**аданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфидаги Бадиий жамоалар ижодий бирлашмасини ташкил этишдан мақсад ҳам, аслида, халқимизнинг асрлар давомида шаклланган ва авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ижод намуналарини халқимиз орасида янада кенг тарғиб қилиш, айниқса, ёшларни миллий қадриятларга эҳтиром руҳида камол топтириш йўлидаги амалий чора-тадбирлар сирасидандир. Зеро, бугун мазкур ижодий жамоалар алла, ёр-ёр, лапару ўланларни, ўзбек мумтоз мусиқаси ҳамда қўшиқчилик намуналарини тўплаш, асраб-авайлаш ва янада сайқал топтиришга хизмат қилаётир.

Айни пайтда бирлашманинг Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестри, "Булбулча" болалар ашула ва рақс ансамбли, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган "Хор" жамоаси, Юнус Ражабий номидаги "Мақомчилар" ансамбли, Ғанижон Тошматов номидаги "Дуторчилар" ансамбли, миллий эстрада оркестри сингари бир қатор жамоалари бебаҳо қадрият даражасига кўтарилган гўзал куй-қўшиқларни саралаб, олтин фондимизни ажойиб асарлар билан бойитиб бормоқда. Сўнгги йилларда ушбу бадиий жамоалар қошида "Офарин" чолғу ансамбли, "Сурхон", "Гулёр", "Сайқал", "Карвон", "Сарвиноз", "Мумтоз наво", "Ниҳол" сингари гуруҳлар ташкил этилди. Бу эса бирлашманинг фаолият доираси янада кенгайишида муҳим аҳамият касб этаётир.

Қувонарлиси, бугун бадиий жамоаларнинг аксарияти Швейцария, Германия, Бельгия, Франция, Греция ва Чехия сингари мамлакатларда бўлиб ўтаётган йирик санъат фестиваллари ҳамда кўрик-танловларда фаол иштирок этиб, санъатимизни дунёга ёймоқдалар. Биргина ўтган йили Ғанижон Тошматов номидаги "Дуторчилар" ансамбли Германия, Япония давлатларидаги тадбирларда қатнашган бўлса, мақомчилар ансамбли Португалия, Германия, Саудия Арабистони, Озарбайжон, Хитой Халқ Республикаси ҳамда бир қатор Ҳамдўстлик мамлакатларидаги халқаро танловларда иштирок этиб, ғолиб ва совриндорлар сафидан ўрин олди. Бундан ташқари, "Сайқал", "Гулёр", "Сурхон" гуруҳларидан иборат миллий жамоа Жанубий Кореянинг Ёсу шаҳрида бўлиб ўтган "World Masters — 2010" халқаро фестивалида муваффақиятли қатнашди. Санъатнинг бир қатор йўналишлари бўйича ташкил қилинган ушбу фестивалда жамоа аъзолари ижро этган "Тановар", "Катта ашула", "Лазги" сингари мумтоз миллий куй-қўшиқлар, доира усуллари дунёнинг 54 мамлакатидан келган санъаткору ихлосмандлар эътиборини қозонди. Шу боис ансамбль мазкур фестивалда "Энг яхши мусиқий жамоа" сифатида эътироф этилиб, махсус сертификат билан тақдирланди.

Яқинда эса бирлашма тасарруфидаги "Ниҳол" гуруҳи Чехия, Бельгия ва Германия давлатларининг бир қатор шаҳарларида бўлиб ўтган маданий дастурларда юртимиз санъатини намойиш қилди.

**Исроил ҒУЛОМОВ,**
**Маданият ва спорт ишлари вазирлиги қошидаги Бадиий жамоалар ижодий бирлашмаси директори.**

## Икки баробар ўсиш

***Жарқўрғон туманидаги "Ҳумо" кичик корхонасида соатига 3 тонна сутни қайта ишлашга мўлжалланган технологик линия ишга туширилди.***

**Интилиш**

Ушбу хайрли мақсад учун банкнинг 80 миллион сўмлик кредитидан самарали фойдаланилди. Натижада лойиҳа шарофати билан ишлаб чиқариш ҳажмини икки баробар ошириш имконияти яратилди. Айни пайтда корхона жамоаси қаймоқ, сариёғ, кефир сингари 6 хил сут маҳсулотларини тайёрлаб, истеъмолчиларга етказиб бермоқда.

Эътиборлиси, ҳозирги кунда вилоятдаги бу каби кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 22 фоизни ташкил этмоқда.

**У. ОЛИМЖОНОВ.**


## Ҳурматли абонент!



Тошкент шаҳар телефон тармоғи такомиллаштирилиши муносабати билан **2011 йил октябрь ойидан** шаҳар телефон станцияларида халқаро ва шаҳарлараро рақамларга чиқиш учун **«8» рақамидан кейинги узлуксиз товуш сигнали ўчирилиши бўйича ишлар олиб борилади**.

*Маълумот учун телефонлар:* ***064, 09.***

1402R/1210



SNP Shurtan Navoi Plast-PE

## «SHO'RTAN GAZ-KIMYO MAJMUASI» УШК «POLIETILEN QUVURLARI» ШК

**Навоий вилоятидаги «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зона ҳудудида «Шўртан газ-кимё мажмуаси» қошида 2010 йил сентябрь ойидан бошлаб «Полиэтилен қувурлари» шўъба корхонаси ишга тушди. Бугунги кунда корхонада диаметри 75 мм.дан 250 мм.гача бўлган полиэтилен қувурлари кенг ассортиментда ишлаб чиқарилмоқда.**

**Бизнинг қувурларимиз сизни тез-тез бўлиб турадиган авария ва таъмирлаш муаммоларидан кўп йилларга халос этади. Юқори сифатли қувурлар 50 йиллик кафолат муддатига эга.**

### Маҳсулот тури ва баҳоси

| № | Диаметри | Қувур тури | | Девори қалинлиги (мм.) | Қувур узунлиги (метр) | 1 п.м. қувур баҳоси (ҚҚС билан) | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | Ўзб. сўми | АҚШ долл. |
| 1 | 75 | сл | SDR 26 S 12.5 | 2.9 + 0,4 | 6 — 11 м | 6249,15 | 3,66 |
| | | с | SDR 17.6 S 8.3 | 4.3 + 0,6 | 6 — 11 м | 8096,76 | 4,74 |
| | | т | SDR 11 S 5 | 6.8 + 0,8 | 6 — 11 м | 12058,61 | 7,07 |
| 2 | 90 | сл | SDR 26 S 12.5 | 3.5 + 0,5 | 6 — 11 м | 8144,30 | 4,77 |
| | | с | SDR 17.6 S 8.3 | 5.1 + 0,7 | 6 — 11 м | 10841,31 | 6,35 |
| | | т | SDR 11 S 5 | 8.2 + 1,0 | 6 — 11 м | 16152,73 | 9,46 |
| 3 | 110 | л | SDR 41 | 2.7 +0,4 | 6 — 11 м | 7916,92 | 4,64 |
| | | сл | SDR 26 S 12.5 | 4.2 + 0,6 | 6 — 11 м | 11304,88 | 6,62 |
| | | с | SDR 17.6 S 8.3 | 6.3 + 0,8 | 6 — 11 м | 15846,20 | 9,29 |
| | | т | SDR 11 S 5 | 10.0 + 1,1 | 6 — 11 м | 24181,80 | 14,17 |
| 4 | 160 | л | SDR 41 | 4.0 + 0,5 | 6 — 11 м | 14460,23 | 8,47 |
| | | сл | SDR 26 S 12.5 | 6.2 + 0,8 | 6 — 11 м | 21451,08 | 12,57 |
| | | с | SDR 17.6 S 8.3 | 9.1 + 1,1 | 6 — 11 м | 29174,40 | 17,09 |
| | | т | SDR 11 S 5 | 14.6 + 1,6 | 6 — 11 м | 46582,54 | 27,30 |
| 5 | 200 | л | SDR 41 | 4.9 + 0,6 | 6 — 11 м | 21776,16 | 12,76 |
| | | сл | SDR 26 S 12.5 | 7.7 + 0,9 | 6 — 11 м | 32474,87 | 19,03 |
| | | с | SDR 17.6 S 8.3 | 11.4 + 1,3 | 6 — 11 м | 47384,85 | 27,77 |
| | | т | SDR 11 S 5 | 18.2 + 2,0 | 6 — 11 м | 73056,19 | 42,81 |
| 6 | 250 | л | SDR 41 | 6.2 +0,8 | 6 — 11 м | 33643,58 | 19,71 |
| | | сл | SDR 26 S 12.5 | 9.6 + 1,1 | 6 — 11 м | 50578,49 | 29,64 |
| | | с | SDR 17.6 S 8.3 | 14.2 + 1,6 | 6 — 11 м | 74119,08 | 43,43 |
| | | т | SDR 11 S 5 | 22.7 + 2,4 | 6 — 11 м | 112021,19 | 65,64 |
| 7 | Томчилаб суғориш учун шланг Ø 16 мм | | | 0,38+0,02 | 2000 м (рулон) | 87,90 | 0,05 |

*Полиэтилен қувурларига мувофиқлик сертификати ва гигиеник сертификатлар берилган.*

**Буюртма ҳамда таклифлар қуйидаги телефонлар орқали қабул қилинади: (+99893) 950-55-11, 950-02-32. Шунингдек, буюртмаларни pe_plast@mail.ru электрон манзилига юборишингиз мумкин.**

**Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 210609, Навоий вилояти, Кармана тумани, Маликработ қўрғони. Тел./факс: (8-436) 220-00-36.**

1307R/1155


## ОБ-ҲАВО

**(19 октябрь)**

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Кечаси 9-14, кундузи 18-23 даража иссиқ бўлади.

**Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари.** Айрим жойларда ёмғир ёғиши мумкин. Ҳарорат тунда 9-14, кундузи 20-25 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, баъзи ҳудудларда ёмғир ёғиши кутилмоқда. Кечаси 9-14, кундузи 20-25 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари.** Ёмғир ёғади. Кечаси 11-16, кундузи 22-27 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда ёмғир ёғади. Тунда 9-14, кундузи 20-25 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғиши мумкин. Ҳарорат тунда 12-14, кундузи 23-25 даража иссиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**

**Фан ва техника янгиликлари**

## Ўсимликлар тез ривожланади

***Ўзбекистон табиий толалар илмий тадқиқот институти олимлари томонидан ўсимликлар ривожига ижобий таъсир кўрсатувчи стимулятор яратилди.***

Ушбу янги восита таркибидаги кўп миқдордаги аминокислоталар ўсимликлардаги биокимё жараёнларини кучайтиришга, уруғ униб чиқиши ва ўсишига ижобий таъсир кўрсатади. Стимулятордан тажриба сифатида фойдаланилган экин майдонларида ҳосилдорлик 20-30 фоизга ошгани ҳам кузатилган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, келгусида мазкур воситадан оммавий равишда фойдаланилади.

## Янги қуритиш мосламаси

***Тошкент давлат аграр университети олимлари томонидан ишлаб чиқилган қуритиш ва тозалаш минитехнологияси фермер хўжаликлари ҳамда қайта ишлаш корхоналари учун мўлжалланган.***

Уни яратишда 15 дан зиёд ихтиролардан самарали фойдаланилди. Ускуна Ўзбекистон Республикаси патентлари билан ҳимояланган. Фойдаланиш усули жуда содда бўлиб, ишончли ва шовқинсиз ишлайди.

Янги қурилмадан мева-сабзавот, крахмал, ёғоч ҳамда қурилиш материалларини қуритишда кенг фойдаланиш мумкин.

**Искандар ХЎЖАЕВ.**





22R/1565



## «RIELTOR EKSPRESS KONSALTING» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Суд ижрочиларининг Хўжаобод тумани бўлими томонидан Жиноят ишлари бўйича Хўжаобод тумани судининг 2011 йил 26 апрелдаги 1-116-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Хўжаобод тумани «Дилкушод техагротизим» ММТП МЧЖга тегишли, Андижон вилояти, Хўжаобод тумани, «Манак» ҚФЙ, «Дилкушод» МФЙ ҳудудида жойлашган бино-иншотлар бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қўйилмоқда:

1. **Ер участкаси 79,36 кв.м., қурилиш майдони 79,36 кв.м. бўлган қозонхона бино-иншооти.**
   *Бошланғич баҳоси — 13 740 093 (ўн уч миллион етти юз қирқ минг тўқсон уч) сўм.*
2. **Ер участкаси 317,42 кв.м., қурилиш майдони 317,42 кв.м. бўлган темир-бетон соябон (навес) иншооти.**
   *Бошланғич баҳоси — 12 381 841 (ўн икки миллион уч юз саксон бир минг саккиз юз қирқ бир) сўм.*

Қизиқиш билдирган талабгорлар бино-иншоот (кўчмас мулк)лар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиши мумкин.

Аукцион савдоси Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 30-уйда 2011 йил 22 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аукцион якунлари савдо тугаган заҳоти савдо иштирокчиларига эълон қилинади.

Талабгорларнинг аризалари Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 30-уйда иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчиси — «RIELTOR EKSPRESS KONSALTING» МЧЖнинг «Трастбанк» Андижон шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000704927796001, МФО: 01074, СТИР: 302067760.

**Манзил: Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 30-уй.**
***Мўлжал — Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси биноси, 1-қават.***
**Телефонлар: (8-374) 990-00-82, 262-13-75.**

1412R/1201

*Лицензия RR-0026.*


| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| ОМИХТА ЕМ 364,3 ▲ +13,5 | ШРОТ 304,8 ▼ -3,9 | ШЕЛУХА 126,0 ▼ -2,5 | ПОЛИЭТИЛЕН B-Y 460 4296,3 ▼ - 738,6 | ПОЛИЭТИЛЕН I-0760 4618,6 ▼ - 263,9 | ПОЛИЭТИЛЕН I-1561 4912,3 ▼ - 30,0 | МАЗУТ 351,6 ▲ +10,5 | СУЮЛТ. ГАЗ 1236,9 ▼ -245,5 | КЎМИР(бпк) 40,3 ▲ + 0,4 |

# ДУНЁ ПОЛВОНЛАРИ — ТЕРМИЗДА

X INTERNATIONAL AL-HAKIM AT-TERMIZIY KURASH TOURNAMENT FOR THE PRIZE OF UZBEKISTAN'S PRESIDENT

***Бугун Термиз шаҳрида кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган анъанавий X халқаро турнир ва VIII жаҳон чемпионати бошланади.***

Истиқлолимиз шарофати билан азалий қадриятларимизни тиклаш ва дунёга танитишдек эзгу мақсад йўлида амалий саъй-ҳаракатлар қилингани боис ўзбек курашининг кенг оммалашишига эришилди. Дастлаб Шаҳрисабзда Амир Темур, Термиз шаҳрида Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган халқаро турнирлар ташкил этилди. 1992 — 1998 йилларда эса Жанубий Корея, Канада, Япония, Ҳиндистон, АҚШ, Россия каби мамлакатларда бўлиб ўтган йирик спорт анжуманларида ўзбек кураши намойиш қилинди. Натижада жаҳон ҳамжамияти 1998 йилнинг 6 сентябрь куни ўзбек курашини халқаро спорт тури сифатида расман тан олди ва Осиё, Европа ҳамда Америка қитъасининг 28 давлати вакиллари иштирокида ўтказилган Таъсис конгрессида Кураш халқаро ассоциацияси (КХА) ташкил этилди.

Ал-Ҳаким ат-Термизий халқаро турнирига 1993 йилда асос солинган эди. Илк турнир ғолиблигини ҳамюртимиз Ўрол полвон Тўраев қўлга киритган. Шундан сўнг Рустам Эргашев, Эрали Маҳмарасулов, Тоштемир Муҳаммадиев ҳам халқаро турнирда бош соврин соҳиби бўлган. 2001, 2003, 2005, 2007, 2009 йиллардаги мусобақаларда эса бойсунлик полвон Абдулла Тангриевга тенг келадигани топилмаган.

Дарҳақиқат, ўзбек курашининг умумжаҳон қадрияти сифатидаги тараққиётида мустақиллик йилларида амалга оширилган ишларнинг аҳамияти беқиёс. Ҳозир бешта қитъада Кураш конфедерациялари ташкил этилган бўлиб, Халқаро кураш ассоциациясига 120 га яқин давлат аъзо.

Кураш йилдан-йилга барча ёш тоифасидаги кишиларни ўзига жалб этмоқда. 1999 йилдан катталар ўртасида, 2000 йилдан бошлаб эса ёшлар ўртасида жаҳон чемпионатлари мунтазам ўтказиб келинаётир.

Бу галги халқаро турнир ва VIII жаҳон чемпионатини ҳам юқори савияда уюштириш мақсадида Сурхондарёда катта тайёргарлик ишлари олиб борилди. Термиз шаҳридаги "Сурхон" спорт мажмуасида барча шарт-шароит яратилди. Иштирокчилар ҳамда меҳмонларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида вилоятдаги қадимий обидаларга саёҳатлар режаси ишлаб чиқилди.

— Курашнинг дунё миқёсида ривожланишида мамлакатимизнинг Жанубий дарвозаси бўлмиш Термизнинг ҳам муносиб ўрни бор, — дейди вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси бўлим бошлиғи Эргаш Худоёров. — Жумладан, Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган халқаро турнир ўзбек курашининг кенг оммалашишига хизмат қилаётир. Эътиборли жиҳати, ўтган галги мусобақада дунёнинг 30 дан ортиқ давлатидан келган полвонлар ғолиблик учун кураш олиб борган бўлса, жорий йилги беллашувларда 60 га яқин мамлакат вакиллари ўзаро баҳслашади.

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

Изланиш

## Нанотехнологиялар:
# КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР МАЙДОНИ

***Инсоният бугунги тараққиётга эришиш учун узоқ йиллар изланишлар олиб борди, ўз мақсади йўлида табиатдан аёвсиз фойдаланди ҳам. Натижада оламшумул кашфиётлар қилди, фаровон ҳаёт учун қатор қулайликларга эга бўлди.***

***Масалан, ўз даврида автомобилнинг яратилишига мўъжиза, деб қаралган бўлса, кейинчалик коинотга амалга оширилган парвоз улкан ютуқ сифатида тарих саҳифаларидан жой олди. Бугун эса биз учун оддий ҳолга айланиб улгурган автоуловларнинг янада такомиллаштирилган, ҳатто товушдан тез ҳаракатланадиган моделлари ҳаётимизга кириб келаяпти. Самога чиқаётган улкан аппаратлар энди Ой қолиб, Марсга ва бошқа сайёраларга йўл олаяпти.***

Албатта, бу ютуқларга ўз-ўзидан эришилаётгани йўқ. Бу муваффақиятлар замирида юқорида келтириб ўтганимиздек, табиий захираларнинг аҳамияти беқиёсдир. Чунки автомобилу само кемаларининг ҳаракатланишида, қолаверса, корхонаю фабрикаларнинг бир маромда ишлаб туришида ер ости ва усти ресурсларидан кенг фойдаланилаяпти.

Таёқнинг икки учи бор, дейишади. Бу иборани бежиз эслаганимиз йўқ. Гап шундаки, охирини ўйламай қилинган хатти-ҳаракатлар туфайли атроф-муҳитга жиддий талафот етиб, эндиликда унинг оқибатларини глобал исиш, углеводород захираларининг камайиши, озиқ-овқат ҳамда обиҳаёт танқислиги каби ўнлаб муаммолар мисолида кўриб турибмиз. Табиийки, бу тақчилликлар дунёдаги барқарор ривожланиш жараёнига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.

Инсоннинг табиати қизиқ. Қачонки, бошига ташвиш тушсагина ҳушёр тортади, масалага ечим қидириб, ён-атрофга югуради. Тежамкорликка узоқ йиллар аҳамият бермай, табиат бойликларидан ўз билганича ва истаганича фойдаланиб келган одамзод, мана энди дўппи тор келгач, ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳақида кўпроқ ўйлайдиган бўлиб қолди. Хусусан, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида машҳур корпорациялар, компаниялар сарф-харажатларни қисқартириш мақсадида турли чора-тадбирларни қўллашга, корхоналарни модернизация қилишга янада кўпроқ аҳамият қарата бошлади. Яъни оз миқдорда энергия сарфлаб, юқори самарадорликка эришиладиган технологияларни яратиш, хом ашёдан тежамли фойдаланишга ўтиш, муқобил манбаларни ҳаётга татбиқ этиш дунё саноатида глобал миқёсдаги долзарб масалага айланди.

Хўш, бундан буёғига қандай йўл тутиш керак? Бугун кўпчиликни қизиқтираётган бу саволга нанотехнологияга асосланган усул жавоб бўла олади. *Нанотехнология замонавий технологияларнинг янги йўналиши бўлиб, унинг мақсади қурилмалар ҳажмини максимал даражада кичрайтириш ва улар ишлаши учун энергия сарфини ўнлаб, айрим ҳолларда, ҳатто юзлаб маротаба камайтиришдан иборатдир.* Бу усул инсоният олдида кўндаланг турган бир қатор жиддий муаммолар, жумладан, ялпи исиш, углеводород ёқилғиси танқислигидан тортиб, ҳозирга қадар бедаво деб ҳисобланган касалликларни даволашгача бўлган ўнлаб масалаларнинг ижобий ечимини кўзлайди.

Илм-фанда "нано" сўзи "миллиарддан бир" деган маънони англатади. Масалан, 1 нанометр 1 метрдан миллиард марта кичик узунлик ҳисобланади. Бу ўлчам қанчалик кичик эканлигини тасаввур қилиш учун мана бу қиёсга бир эътибор беринг: одам сочининг диаметри 8000 нанометрга, ДНК молекуласининг кенглиги эса 2 нанометрга тенг. Нанотехнологиялар ўлчамлари бир неча ўн ёки юз нанометрга тенг тизимлардан қурилма сифатида фойдаланиш имконини беради. Ушбу тизимлар бир неча йирик молекуладан ёки бир неча юз атомлардан иборат бўлиши мумкин.

XX аср микроэлектроникаси, асосан, кремний ва унинг бирикмаларидан фойдаланишга асосланган эди. Аммо наноэлектроника деб аталаётган XXI аср электроникасида бутунлай бошқа материаллар қўлланилади. Биринчи навбатда, булар углерод моддаси асосида яратилаётган, "наноматериаллар" деб ном олган материал турларидир. Наноматериал деганда, биз катта ҳажмда унчалик кўп хусусиятларга эга бўлмаган, лекин ўлчами жуда кичик ҳолатга, яъни бир нечта ўн ёки юз нанометрлар даражасига олиб келинганда кўплаб ғайриоддий хусусиятларни намоён қилувчи материалларни тушунамиз. Ҳозирги кунда бундай имкониятлар эшигини очаётган асосий материал — графендир. Ўзининг ноёб хусусиятларига кўра, графен шу пайтгача маълум бўлган барча материаллардан устун туради ва жорий аср электроникасида кескин бурилиш ясаши кутилмоқда. 2010 йилда физика фани бўйича Нобель мукофотининг айнан ушбу материални яратган олимларга берилгани ҳам бежиз эмас.

Графен нима эканлигини тушуниш учун шундай тасаввур қилинг: қалинлиги жиҳатидан оддий қоғоздан миллион марта юпқа, олмосдан кўра мустаҳкамроқ, электр ва иссиқлик ўтказувчанлиги жиҳатдан мисдан яхшироқ. Яна бир мисол. Кичикроқ бир шаҳарчага тенг ҳудудни эгаллаган улкан иншоот ёки ишлаб чиқариш мажмуаси агар графен материалидан фойдаланиб қурилса, уни оддий стол устига жойлаштириш мумкин бўлади.

Бундай хусусиятларга эга материал асосида яратилган қурилмалар юқори даражада ресурс-тежамкор, механик жиҳатдан эса ўта мустаҳкам бўлиши билан ажралиб туради. Масалан, қурилиш, авиация ва космонавтика саноатлари учун зарур бўлган материалларни эндиликда графен асосида яратишга ўтилмоқда. Графен қўлланилиши мумкин бўлган яна бир соҳа — бу сенсор дисплей ва эластик электроника маҳсулотлари ишлаб чиқаришдир. Бундай дисплейларнинг қалинлиги ҳозирги кунда фойдаланилаётганларидан бир неча маротаба кичик бўлади.

Тадқиқотчилар кашф қилган яна бир йўналиш, графендан фойдаланган ҳолда ўта кучли бактерия ва вирусларни йўқ қилишдир. Бу борадаги изланишлар ҳам инсоният учун жуда катта аҳамиятга эга.

Албатта, графен нанотехнологиялар асосида олинаётган наноматериалларнинг фақат бир тури ҳисобланади. Айни пайтда олимлар катта ресурс-тежамкор хусусиятга эга бошқа наноматериалларни яратиш устида ҳам иш олиб боришмоқда. Бундай янгиликларни амалиётда қўллаш эса катта маблағ талаб қилади. Бу борада дунёда ижобий силжиш кузатилмоқда ва натижада нанотехнологиялар бозори босқичма-босқич ривожланиб бормоқда. Агар 1998 йилда жаҳон бўйича нанотехнологиялар соҳасидаги тадқиқотларга атиги ярим миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилган бўлса, 2011 йил якуни бўйича бу кўрсаткич 60 миллиард доллардан ошиши кутилмоқда. Бу статистикада хусусий фирмалар ва компанияларнинг инвестициялари ҳисобга олинмаган. Демак, яқин келажакда мазкур соҳанинг инвестициялар жалб қилиш борасида ҳам етакчи ўринга чиқиб олишига шубҳа йўқ.

Ҳозир дунё миқёсида нанофан ва нанотехнологияларга ихтисослаштирилган бир неча йирик илмий марказлар мавжуд. Ушбу соҳага Ғарб давлатлари, Япония, Хитой, Ҳиндистон, Россия, шунингдек, мамлакатимизда алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, АҚШ Миллий илмий фондининг таклифига асосан, 2000 йилда узоқ муддатга мўлжалланган АҚШ Миллий нанотехнологик дастури қабул қилинган. Бу дастур асосида нанотехнологияга оид тадқиқотларни молиялаштириш учун давлат бюджетидан 2001 йилда 420 миллион, 2004 йилда 900 миллион доллар йўналтирилган бўлса, мазкур рақам жорий йилда 20 миллиард доллардан ошиши кўзда тутилган. Ушбу соҳага Европа Иттифоқида ўтган йили 10 миллиард доллар ажратилган. Бундай кўрсаткичлар, ўз навбатида, нанотехнологиялар бозорининг ривожланишига катта туртки берди. Масалан, 2010 йилда нанотехнологик маҳсулотларнинг жаҳон бозорида сотилиши 150 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Маҳсулотларнинг асосий истеъмолчилари электроника, фармацевтика, кимё саноати, авиация ва космос, соғлиқни сақлаш соҳаларидир. Ҳисоб-китобларга кўра, 2015 йилга бориб нанотехнологик маҳсулотлар бозорида савдо ҳажми 1 триллион АҚШ долларидан ошади.

Ўзбекистонлик олимлар ҳам нанотехнологиялар соҳасида янгидан-янги марраларни эгаллашмоқда. Бизда, асосан, нанофизика жадал ривожланиб бораяпти. Ёш тадқиқотчиларимизнинг бу борадаги илмий изланишлари ва эришаётган натижалари ҳавас қилса арзигуликдир. Улар чет эллик ҳамкасблари билан биргаликда графеннинг магнетик хусусиятлари, углеродли нанотизим ва сув клатрат тизимларини метан ҳамда водород учун қопқон сифатида қўллаш (водород ва метанни сақлаш муаммоси), қолаверса, квантланган тармоқ ёрдамида маълумот ва энергия узатиш каби муаммолар ечими устида иш олиб бормоқдалар. Олимларимизнинг ана шу жараёнда эришган илмий хулосалари жаҳоннинг энг нуфузли журналларида чоп қилинаяпти, конференция ва симпозиумларда тақдим этилаётир. Бундан ташқари, вакилларимиз Европа, Япония ҳамда АҚШ каби давлатлар илмий марказларида бўлиб, ўзаро тажриба алмашиб қайтишмоқда. Буларнинг барчаси юртимизда истиқлол йилларида илм-фан равнақига қаратилаётган давлат сиёсати даражасидаги эътиборнинг амалий ифодасидир.

**Ҳамдам РАҲИМОВ,**
**физика-математика фанлари номзоди.**

---




20R/1174


---

● Реклама ва эълонлар ●


**ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!**

## «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК
## «ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТРАНСПОРТ ТАРМОҒИ» ФИЛИАЛИ

**аҳолининг алоқа хизматларига бўлган эҳтиёжини қондириш, мамлакатимиз иқтисодиётини бошқариш ва тинчлиги учун хизмат қилаётган магистраль алоқа линиялари тармоғи муҳофазасини таъминлашингизни сўрайди.**

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210-сонли қарори билан тасдиқланган «Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини қўриқлаш қилиш қоидалари»га мувофиқ:***

- магистраль алоқа линияларининг муҳофаза зонасига рухсатсиз кириб ишлаш ва уларга шикаст етказувчи ҳар қандай турдаги ишларни бажариш, жумладан: рухсатсиз қурилиш ишлари олиб бориш ва иншоотларни тиклаш;
- магистраль алоқа кабель линиялари устидан йўл ва ўтиш жойлари ўтказиш, автомобиль, трактор ҳамда бошқа транспорт воситалари учун тўхташ жойлари қуриш, жамоатчилик боғлари ва томорқалар ташкил этиш;
- магистраль алоқа кабеллари ўтган жойларни кўрсатувчи огоҳлантириш устунларини ва белгиларини ўзбошимчалик билан кўчириш, синдириш, кўмиб юбориш;
- турли хил қурилиш-монтаж ва портлатиш ишларини олиб бориш;
- магистраль алоқа кабель линиялари муҳофаза зонасида қудуқлар қазиш, шурф қурилиши ҳамда геологик, геодезия ва бошқа қидирув ишларини олиб бориш;
- турли хил чиқиндилар ташлаш, кислота, туз ва ишқор эритмаларини тўкиш; магистраль алоқа кабель линиялари ўтган ерда гулханлар ёқиш **ҚАТЪИЯН ТАҚИҚЛАНАДИ**.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахслар алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида ер қазиш, ер текислаш, тупроқ олиш, қурилиш ва бошқа ишларни қатъий равишда **ФАҚАТ АЛОҚА ХОДИМЛАРИНИНГ НАЗОРАТИ ОСТИДА** амалга оширишлари лозим.

**АЛОҚА КАБЕЛЛАРИНИНГ ШИКАСТЛАНИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ!**
**ҲУШЁР ВА ЭҲТИЁТКОР БЎЛИНГ!**

Алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида алоқа ходимларининг назоратисиз ер қазиш, ер текислаш, тупроқ олиш ва бошқа ишларни бажариб, **алоқа кабелларининг узилишига ёки уларга шикаст етказилишига йўл қўйган** ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ёки жисмоний шахс қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади ва алоқа корхоналарига келтирилган моддий зарар улардан ундириб олинади.




**Эсда тутинг!** Агар сизда магистраль алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида қандайдир ер қазиш ва қурилиш ишларини амалга ошириш зарурати туғилса, кабель трассасини ўзбошимчалик билан аниқлашга уринманг ва бу масалада «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Телекоммуникация транспорт тармоғи» филиалининг ҳудудий боғламаларига ёки магистраль алоқа кабели трассаси белгисида кўрсатилган кабель участкаси манзилига мурожаат этинг.

**Магистраль алоқа линияларини эксплуатация қилувчи боғламалар ва уларнинг кабель участкаси манзиллари ҳамда боғланиш телефонлари:**

| | |
|---|---|
| **«ТТТ» филиали Биринчи боғламаси,** Тошкент ш., Қозитарнов к., 29-уй | (8-371) 234-20-11, 235-36-59 (соат 8.00 — 17.00) |
| **Биринчи линия кабель цехи,** Тошкент ш., Буюк Ипак йўли к., 264-уй | (8-371) 265-80-43 (соат 8.00 — 17.00) (8-371) 155-27-20 |
| **Иккинчи линия кабель цехи,** Янгийўл ш., Чарикова к., 172-уй | (8-371) 250-37-45 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 199-19-31 |
| **Тошкент шаҳар кабель участкаси,** Хуштепа 4-тор к., 4-уй | (8-595) 199-19-32 |
| **Пахта кабель участкаси,** Чиноз тумани, Серсен к., 30-уй | (8-595) 199-19-36 |
| **Учинчи линия кабель цехи,** Тўйтепа ш., Спорт к., 45-уй | (8-370) 762-11-21 (соат 8.00 — 17.00) (8-593) 370-38-89 |
| **Ангрен шаҳар кабель участкаси,** Амир Темур к., 2-уй | (8-593) 183-23-46, (8-370) 662-27-61 |
| **Бекобод шаҳар кабель участкаси,** Х. Ходжимурадов 2-берк к., 18-«А» уй | (8-595) 177-06-64, (8-370) 912-54-11 |
| **«ТТТ» филиали Иккинчи боғламаси,** Қўқон ш., Истиқлол к., 58-уй | (8-373) 552-34-17, 552-21-66 (8-373) 552-24-71, 552-22-01 (соат 8.00 — 17.00) |
| **Биринчи кабель участкаси,** Янгиқўрғон ш., Чустий к.,1-уй | (8-373) 529-24-55, (соат 8-00 — 17.00) (8-590) 556-05-58 |
| **Иккинчи кабель участкаси,** Бешариқ ш., Сирдарё к., 9-уй | (8-373) 612-23-66 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 400-03-98 |
| **Учинчи кабель участкаси,** Наманган ш., Нуробод даҳаси, телеминора | (8-369) 225-08-82 (соат 8-00 — 17.00) (8-595) 300-03-41 |
| **Тўртинчи кабель участкаси,** Андижон ш., Чўлпон к., 9-уй | (8-374) 222-23-81 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 202-02-39 |
| **«ТТТ» филиали Учинчи боғламаси,** Гулистон ш., Дўстлик қўрғони | (8-367) 227-16-20, 225-29-92 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 510-10-09 |
| **Сирдарё кабель участкаси,** Сирдарё ш., Ўзбекистон к., Алоқа уйи | (8-595) 510-10-04 |
| **Иккинчи линия техник цехи,** Янгиер ш., Тинчлик к., 1-уй | (8-367) 272-30-28 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 510-10-27 |
| **Учинчи линия техник цехи,** Жиззах ш., Ш. Рашидов к, 46-уй | (8-372) 226-22-07 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 510-10-41 |
| **Кабель участкаси,** Даштобод ш., Дўстлик к., Алоқа уйи | (8-595) 510-10-42 |
| **«ТТТ» филиали Тўртинчи боғламаси,** Булунғур ш., Самарқанд к., 18-уй | (8-366) 442-25-60, 442-68-05 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 199-00-55, 177-50-05, 500-19-07 |
| **«ТТТ» филиали Бешинчи боғламаси,** Бухоро ш., Ғиждувон к., 69-уй | (8-365) 224-45-41 (соат 8.00 — 17.00) (8-365) 223-38-37, 224-55-42 (8-365) 223-65-23, 224-46-42 |
| **Линия кабель цехи,** Бухоро ш., Шейхон к., 71-уй | (8-365) 228-53-22 (соат 8.00 — 17.00) |
| **«ТТТ» филиали Олтинчи боғламаси,** Нукус ш., Ашхобод к.,1-уй | (8-361) 222-37-07, 222-00-43 (соат 8.00 — 17.00) (8-361) 601-14-91, 502-88-84, 701-19-19 |
| **Кабель участкаси,** Тўрткўл ш., Туман телекоммуникация боғламаси | (8-361) 222-37-07 (соат 8.00 — 17.00) (8-361) 354-10-26 |
| **Тўрткўл кабель участкаси,** Беруний ш., Туман телекоммуникация боғламаси | (8-361) 222-37-07 (соат 8.00 — 17.00) (8-361) 601-14-91, 354-10-25 |
| **Қўнғирот кабель участкаси,** Қўнғирот ш., Туман телекоммуникация боғламаси | (8-361) 222-37-07 (соат 8.00 — 17.00) (8-361) 601-14-91, 353-00-13 |
| **Жаслык кабель участкаси,** Қўнғирот тумани, Жаслык аҳоли пункти «Тулей» станцияси | (8-361) 601-05-28 (8-593) 363-30-90 |
| **«ТТТ» филиали Еттинчи боғламаси,** Термиз ш., Тараққиёт к., 32-уй | (8-376) 223-13-85, 223-13-79 (соат 8.00 — 17.00) (8-376) 227-41-14, 242-11-25, 242-11-44 |
| **16-линия техник цехи,** Денов ш., Ш. Темиров к., 4-уй | (8-376) 227-37-62 (8-595) 501-11-07 |
| **«ТТТ» филиали Саккизинчи боғламаси,** Қарши ш., Ҳуснобод к., 1-уй | (8-375) 221-02-41, 221-06-86 (соат 8.00 — 17.00) (8-375) 221-17-25, 505-05-14 |
| **15-линия техник цехи,** Ғузор ш., Ғузор к., 23-уй | (8-375) 552-11-67 (соат 8.00 — 17.00) (8-375) 505-05-14 |
| **«ТТТ» филиали Тўққизинчи боғламаси,** Урганч ш., Дўсов к., 2-уй | (8-362) 226-36-58, 226-36-33 (8-595) 602-18-01, 602-22-13 |
| **«ТТТ» филиали Ўнинчи боғламаси,** Навоий ш., Кармана к., 26-уй | (8-436) 224-74-21, (8-590) 730-56-41 |
| **Биринчи линия техник цехи,** Каттақўрғон ш., Чағаноқ қишлоғи | (8-366) 455-24-54 |
| **Биринчи кабель участкаси,** Ғиждувон ш., Ғовшон қишлоғи | (8-365) 572-14-75 |
| **Иккинчи кабель участкаси,** Учқудуқ ш., ДЭУ қўрғони | (8-436) 593-09-35 (соат 8-00 — 17.00) (8-595) 603-12-42 |

1410R/90


Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси Марказий Кенгаши жамғарманинг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими Кенгаши раиси Жалел Муятдиновга турмуш ўртоғи

**Анжим ЗУЛХАНДЕРОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси жамоаси Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит кафедраси доценти Нурбек Ризаевга падари бузруквори

**Қодиржон РИЗАЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| ЦЕМЕНТ (ПЦ400 Д20) 269,0 ▼ -7,1 | ЦЕМЕНТ (ПЦ400 КД20) 260,1 ▲ +4,8 | АРМАТУРА 3269,5 ▲+185,7 | ШИФЕР (1 лист) 16482 ▼ -291 | АММОНИЙ СУЛЬФАТ ФОСФАТ 370,1 ▲ + 0,5 |

Биржа баҳолари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1054. 49557 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — З. Жонибеков.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.40 Топширилди — 22.00 1 2 3 4 5